

Қашқадарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи
томонидан тасдиқланган

Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, ҳалқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

3.Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарманинг бошқа бўлимлари ва ҳудудий статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

6. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосарига бўйсунади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вилоятда ижтимоий соҳада содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларни кузатиш ва расмий статистика кўрсаткичларини шакллантириш;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасида вилоятнинг миллий хусусиятларини инобатта олган ҳолда, жаҳон стандартлари ва қоидаларига мос келадиган, илмий асосланган услубиётни ишлаб чиқиша ўз таклифларини бериш ва амалиётда татбиқ этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини тайёрлашда статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, хаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш, умумлаштириш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш;

Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини тайёрлаш;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган вазифаларни Бўлим фаолиятига тегишли қисмларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш.

Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантиришида иштирок этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, идоравий статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиши ва келишиш чораларини кўриш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, методологик ва ташкилий ишлар режажадвалларининг бажарилишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа бўйича статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлашнинг электрон тизимини такомиллаштириш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш; ижтимоий соҳа статистикаси бўйича мамлакатдаги ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилини олиб бориш;

хўжалик юритувчи субъектларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ишончли давлат статистика ҳисботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистика, ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга ошириш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисбот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ижтимоий соҳанинг ривожланиш тенденцияларини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

ижтимоий соҳа статистикасини тавсифловчи статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга ошириш;

барча фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотлардан фойдаланиш учун teng имкониятларни таъминлаш;

фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикаси оид статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

8. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини тайёрлаш бўлимининг ўзига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги давлат статистикаси ҳисботларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

ижтимоий соҳа статистикаси ҳисботлари асосида расмий статистика маълумотлар базасини яратиш ва ягона ахборот худудини ташкил этиш ишларини амалга оширади;

статистика тўпламлари ва маърузаларга ижтимоий соҳа статистикасига оид маълумотларни тайёрлайди;

раҳбарият топшириклари асосида ижтимоий соҳа статистикасига оид бир марталик маълумотларни тайёрлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бўлимга тегишли методология, иқтисодий, ташкилий ва статистика ишлари режасини тузиш ва белгиланган муддатларда уларни бажарилишини таъминлайди.

9. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устивор йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлиб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси ишларини ишлаб чиқариш дастуридаги ижтимоий соҳа статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан, электрон шаклда келиб тушган мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари иштироқида, таклифлар тайёрлайди;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йигади, қайта ишлайди, умумлаштиради, дастлабки статистик таҳлилни амалга оширади ва эълон қиласди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилиги, холислигини ва комплекслигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни, халқаро ташкилотларни ва аҳолини ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий соҳа статистикаси самарадорлигини ошириш ва бошқа масалалар бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

вилоят статистика бошқармасининг бўлимларидан, шунингдек худудий статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

статистик кузатувларни ташкил этиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлимлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда—уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича қўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш;

11. Бўлим статистиканинг ягона илмий услубиётига асосан статистик маълумотларни тартибга солиш ва уларнинг сифатини ошириш учун, бўлим ваколатига кирадиган статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларнинг савияси учун жавобгар бўлади.

12. Бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устивор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси 5 тўғрисида”ти Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги Низоми, ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

13. Бўлим қуидагилар учун жавоб беради:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

14. Бўлим тузилмаси Бўлим бошлиги, бўлим бош мутахассиси ва етакчи мутахассисдан иборат.

15. Бўлим фаолиятига Бўлим бошлиги раҳбарлик қилади.

16. Бўлим бошлиги ва мутахассислари вилоят статистика бошқармаси бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

17. Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

вилойат ва худудларнинг ижтимоий соҳада эришаётган ютуқлари ва жамият томонидан қўпроқ талаб қилинаётган статистик маълумотларни бошқарманинг расмий веб сайтида жойлаштириб бориш, улар бўйича диаграмма ва графиклар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш;

статистик маълумотларни чоп этишда кўрсаткичларни намойиш қилишнинг илфор тажрибаларни (тоифалаштирилган графиклар, маълумотлар қамровини кенгайтириш, инфографика ва бошқалар) тадбиқ этиш;

18. Нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият ва туризм соҳаларида статистик кузатувларни амалга оширади:

Статистик кузатувлар тизимини нотижорат ташкилотлар фаолияти, маданият ва туризм соҳаларини қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган статистик маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият ва туризм соҳалари статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиши.

19. Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувларни амалга оширади:

Статистик кузатувлар тизимини таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларини қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган статистик маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳалари статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиши.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

20. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига, ушбу Низомга, вилоят статистика бошқармаси буйруқлари ва қарорларига, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг I ва II ярим йиллиги учун иш

режалари, Ижтимоий соҳа статистикаси бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарманинг ўринбосари билан келишилади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юқлатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон хужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бўлимнинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

21. Бўлим фаолиятига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласи. Бўлим бошлиғи вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод килинади.

22. **Бўлим бошлиғи:**

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласи, Ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини тайёрлашда бўлим ишларини ташкиллаштиради, бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

куйилган вазифалар, келиб тушган хужжатларни назорат қилиш ва ишда тажриба алмашиб масалалари бўйича Бўлим ходимлари билан инструктив йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақланиши бўйича белгиланган тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи йўқ бўлган пайтда унинг вазифаларини бўлим бош мутахассиси бажаради.

Давлат статистика қўмитаси ва бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг, шунингдек бўлимга юклangan вазифалар бўйича маълумотларнинг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласи;

бўлимга юклangan масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-хуқуқий хужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ходимлар томонидан давлат ва тијорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни мухокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштироқида) ташкил қиласи, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

23. Бўлим бошлиғи қуйидаги хуқуқларга эга:

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

бошқарманинг ўринбосари билан келишилган ҳолда бўлим ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлаш;

ходимларнинг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни мухокама қилишда идора ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси номидан қатнашиш.

24. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, таклифлар ва хужжатларнинг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг бўлимларига ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

раҳбариятнинг топшириклиарига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг фаолиятига фаол иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофик бошқа функцияларни амалға оширади.

25. Бўлим етакчи мутахассиси:

давлат статистика ҳисобот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этишда иштирок этади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича динамик қаторларни юритади;

ижтимоий соҳа статистикасига оид дастлабки маълумотларни йигади, таҳлил этади ва умумлаштиради;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

раҳбарият топшириклари ижросини таъминлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофик бошқа функцияларни амалға оширади.